

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА БАРНО МИРКАМОЛ ҚИЗИ**

**СУРУНҚАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ТЕРМИНАЛ  
БОСҚИЧИДА ГЕМОДИАЛИЗ ҚАБУЛ КИЛУВЧИ БЕМОРЛАРДА  
РЕНАЛ ОСТЕОДИСТРОФИЯ ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мирзаева Барно Миркамол қизи**

Сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида  
гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия  
ва унинг коррекция йўллари..... 3

**Мирзаева Барно Миркамол қизи**

Ренальная остеодистрофия у больных терминальной  
стадии почечной недостаточности, получающих  
гемодиализ и пути её коррекции..... 24

**Mirzaeva Barno Mirkamol qizi**

Renal osteodystrophy in patients with end-stage renal  
failure receiving hemodialysis and ways to correct it..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works  
..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА БАРНО МИРКАМОЛ ҚИЗИ**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ТЕРМИНАЛ  
БОСҚИЧИДА ГЕМОДИАЛИЗ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ БЕМОРЛАРДА  
РЕНАЛ ОСТЕОДИСТРОФИЯ ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

## ТОШКЕНТ -2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD /Тib862 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Даминов Ботир Турғунпўлатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Наджмутдинова Дилором Камаридди**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Сабиров Мақсуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент врачлар малакасини ошириш  
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фароби кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Ташкент шаҳри, Олмазор тумани, Фароби кўчаси, 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона.Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси.)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт

фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сурункали буйрак касаллиги (СБК) терминал босқичи сўнгги ўн йилликда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Молиявий сарфнинг катталиги, ижтимоий-тиббий муаммолар барча беморларни дастурли гемодиализга жалб қилинмаслиги, ҳар йили гемодиализга муҳтожлар сонини тўрт баробарга ошиши, мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди. Ривожланган мамлакатларда «... сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичи даврий равишда ўсиб бормоқда ва 55 ёшдан юқори беморлар орасида ўлим ривожланиш хавфининг улуши юқоридир. Бу ўз навбатида СБК билан хасталанган беморлар орасида ўлим даражасини 23,4% оширади...»<sup>1</sup>. Сурункали буйрак касаллигининг илк босқичларида минерал моддалар алмашинуви бузилиши оқибатида ренал остеодистрофия ривожланиш хавфи кузатилади. Бугунги кунда тиббиётда буйрак трансплантацияси ривожланиши «... уремик кардиопатия ва уремик остеодистрофия туфайли ўлим ва патологик зарарланиш хавфини бартараф қилмайди...»<sup>2</sup>. Бу борада СБК терминал босқичида дастурли гемодиализ қабул қилувчи беморларда унинг илк давридаёқ ренал остеодистрофияни олдини олиш ва мутахассислар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ҳамда патологик зарарланиш, қатор асоратлар ривожланиши хавфини бартараф этиш ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради. СБКнинг терминал босқичга ўтишининг янада ишончли кўрсаткичларини излаш ҳамда унинг ривожланишини барқарорлаштириш ва диализ даврида ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган даволаш усулларини танлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия ва унинг даволаш йўллариини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида дастурли гемодиализ қабул қилаётган беморларда фосфор-кальций ҳамда иккиламчи гиперпаратиреознинг фаоллигини ва юрак-қон томир тизимининг ремоделлашуви кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини асослашдан иборат. Дастурли гемодиализ негизида СБК бўлган беморларда остеопороз терапиясида суяк минералларининг зичлигини таъминловчи фосфор сўрувчиларни қўллаш ва уларни қўллагасдан суяк тўқимасига таъсири самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат. Дастурли гемодиализ билан даволанаётган СБК мавжуд беморларда юрак-қон томир тизимининг ремоделлашуви жараёнларини ва уларнинг остеопорозни даволаш негизида авж олишини баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини

<sup>1</sup>Yang K, Wang C, Nie L, Zhao X, Gu J, Guan X, et al. Klotho protects against indoxyl sulphate-induced myocardial hypertrophy. *J Am Soc Nephrol.* (2015) 26:2434–46.

<sup>2</sup> Ritter CS, Slatopolsky E. Phosphate toxicity in CKD: the killer among us. *Clin J Am Soc Nephrol.* (2016) 11:1088–100.

такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги сурункали буйрак касалликларини, ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** СБК негизида остеодистрофияси бўлган беморларни олиб бориш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий ишлар ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда олиб борилмоқда. Маълумки, СБК билан хастланган беморларда остеодистрофиянинг асосий патогенетик механизми иккиламчи гиперпаратиреоз билан боғлиқ бўлиб, суяк минераллари алмашинувининг бузилиши, даволашда фосфатбиндерлардан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу препарат кашф этилгач уни қўллаш юрак томирлардаги кальцификациялар, ўсмалар, суяк синиши, эрта ногиронликни самарадор олдини олиши мумкин деб ҳисобланмоқда. Оптимал даволаш усулларини ишлаб чиқишда сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиш механизмларини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий натижаларга эришилди. Кўплаб изланишлар шуни кўрсатдики, юрак ва қон томирларидаги ўзгариш белгиларининг 1/2 дан кўпроғи буйрак фаолияти бир мунча пасайган беморларда, яъни

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

диализдан анча олдин СБК билан хасталанган кекса беморларда кузатилади. Уларда коронар юрак етишмовчилигининг даражаси 42,9% ни, СБК бўлмаган беморларда 18,5% ни, миокард инфаркти (МИ) ва ўткир мия қон томирларининг зарарланиши мос равишда 15,1% ва 6,4% ҳамда транзитор ишемик хуружлар мос равишда 26,7% ва 20,3% ни ташкил қилди. АҚШда 2011 йилда давлат бюджетининг 28,9% дастурли гемодиализдаги беморларни даволашга сарфланган ва қамраб олинганларнинг умумий сонининг 12,7% ташкил этди. СБК билан оғриган беморларни шифохонага ётиш зарурати СБК бўлмаганларга нисбатан 38 %, ўлим эса 43% юқори. СБК терминал босқичи ривожланиш омилларининг глобал миқёсдаги таъсири масалаларини мақсадли ўрганиш асосида бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: патологик жараёнга таъсир этувчи оқилона усулларни ишлаб чиқиш ва даволашнинг самарали усулларини асослаш, прогрессив омилларнинг таъсири натижасида касалликнинг асоратлари ва прогнозларини башорат қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш; беморларда касалликнинг клиник белгилари ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида трансплантациягача бўлган диализ даврини узайтириш усулларини оптималлаштириш.

Юрак-қон томир касаллиги ва ўлимнинг юқорилиги кўрсаткичлари СБК терминал босқичи билан хасталанган беморлар учун жуда катта муаммо бўлиб қолмоқда. Қон томирлари кальцификацияси юрак-қон томир касалликлари ривожланишига ёрдам беради ва ҳозир СБЕда қон томирлари кальцификациясини олдини олиш ва даволаш учун етарли имкониятлар мавжуд. Чекланган миқдордаги фосфорли парҳез, яхши муҳофаза қилинган, хавфсиз, кальций тутувчи фосфатбиндерлар қўлланилиши бунинг исботидир.

Ҳозирги кунда мамлақтимизда сурункали буйрак етишмовчилиги муаммоси бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда ( Б.Т. Даминов 2016, 2018, 2020; М.О.Собиров, 2017; Ш.С.Абдуллаев, 2017; Д.А. Эгамбердиева 2020). Бироқ, сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия ва унинг коррекция йўллари ўрганилмаган.

Илмий адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил қилиш натижаларига кўра СБК терминал босқичини ривожланиш хавфини белгиловчи омиллар сифатида юрак-қон томир тизими ва фосфор-кальций алмашинувини қайта тиклаш хусусиятларини ўрганишга бағишланган республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар зарурати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўз навбатида, ушбу масала бўйича изланишларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари 01980006703 «Сурункали буйрак касалликларининг замонавий ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» (2014-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.



**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали буйрак касаллигининг бешинчи босқичдаги дастурли гемодиализ қабул қилувчи беморларда суяк тизими деминерализациясини эрта ташхислаш ҳамда остеопорозни даволашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

дастурли гемодиализ қабул қилаётган беморларда фосфор-кальций ва иккиламчи гиперпаратиреознинг фаоллигини, юрак-қон томир тизимининг ремоделлашуви кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини, остеопорозни стандарт терапияси негизида қўшимча фосфатбиндерни қўллаб динамикада баҳолаш;

дастурли гемодиализ негизида сурункали буйрак касаллигида остеопороз терапиясида суяк минералларининг зичлигини фосфатбиндерларни қўллаб ва уларни қўлламасдан суяк тўқимасига таъсири самарадорлигини таҳлил қилиш;

дастурли гемодиализ қабул қилаётган СБК бўлган беморларда суяк тўқимасидан ташқари кальцификациянинг яққоллигини ўрганиш ва унинг ривожланиш динамикасини остеопорозни даволаш стандартига фосфатбиндерни қўллаб баҳолаш;

дастурли гемодиализ билан даволанаётган СБК мавжуд беморларда юрак қон-томир тизимининг ремоделлашуви жараёнларини ва уларнинг остеопорозни даволаш негизида кечишини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2016-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт марказида 40 ой давомида сурункали буйрак касаллигининг V босқичдаги дастурли гемодиализ қабул қилувчи 120 нафар беморлар ва назорат гуруҳида 20 нафар амалий соғлом кўнгиллилар олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб капилляр ва веноз қон, кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза, мочевина, паратгормонлар, эхокардиография, кўкрак қафаси мультиспирал компьютер томографияси, уйқу артерияларининг ультратовуш текшируви, умуртқа поғонаси ҳамда сон суяги бошчаси денситометрияси материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак етишмовчлигида гемодиализ қабул қилувчи беморларда олти ой давомида леталлик башоратлаш белгилари, яъни, қондаги гемоглобиннинг концентрацияси 90 г/лдан камлиги, фосфор концентрацияси 2,6 ммоль/лдан, тана массасига индексланган чап қоринча якуний диастолик хама 91,18 мл/ м<sup>2</sup>, тана массасига индексланган чап бўлмача якуний диастолик хама 46 мл/м<sup>2</sup>, чап қоринча миокард оғирлиги 155г/м<sup>2</sup>, ўпка артериясида ўртача босим 30мм смдан, ўпка артериясида систолик босим 46 мм сим устан, сон суяги бошчаси бўйинининг суяк зичлиги 0,23г/см<sup>2</sup> ва интимомедия комплекси қалинлиги 1,1мм юқорилиги асосланган;

сурункали буйрак етишмовчлигида гемодиализ қабул қилувчи беморларга хос бўлган гиперпаратериоз ва остеопорознинг оғирлиги нафақат кальцификация билан, балки юрак қон-томир тизимининг патологик ўзгаришлар билан ҳам боғлиқлиги исботланган;

сурункали буйрак етишмовчлигида гемодиализ қабул қилувчи беморларда севеламер гидрохлорид ёрдамида асосий суякдаги минераллар алмашинувининг бузилишини даволаш тизимига қўшимча равишда гиперфосфатемияни коррекциялаш уремик остеодистрофияни тўхтатиб туриши исботланган;

гиперфосфатамияни севеламер гидрохлорид дори воситаси ёрдамида тўхтатиш нафақат томирларнинг кальцификациясини, балким юрак қон-томир тизими ремоделланиши ҳамда уремик кардиомиопатия жараёнини ҳам сезиларли даражада сусайтириши кузатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иккиламчи гиперпаратериознинг оғирлигини ташхислаш ва барча сабабларга қўра ўлим хавфини баҳолаш учун дастурли гемодиализ билан даволанган СБК билан касалланган беморларга фосфор, кальций, ишқорий фосфатаза фаоллиги ва паратиреоид гормони концентрациясини баҳолаш тавсия этилган;

ўлим хавфини ва юрак қон-томир асоратларини баҳолаш учун дастурли гемодиализ билан даволанган СБК мавжуд беморларга коронар кальцификацияни (МСКТ) ва юрак-қон томир тизимининг ремоделлашини (эхокардиография ва уйқу артерияларининг ультратовуш текшируви) баҳолаш тавсия этилган;

гиперпаратериоз белгилари бўлган гемодиализдаги барча СБК билан касалланган беморларга алюминий сақламаган фосфат билан боғловчи севеламер гидрохлориди, бифосфонат ва витамин Д3, кальций комплекси билан даволаш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия ва унинг коррекциялашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, СБК терминал босқичда дастурли гемодиализ қабул қилувчи беморларда минерал модда алмашинуви ва суяк зичлигини баҳолаш, СБК ренал остеодистрофияни ДХА денситометрия усуллари орқали, ренал остеодистрофия ва юмшоқ тўқималар

кальцификациясини предикторларини эрта баҳолаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг бажарилиши СБК терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларни даволашни оптималлаштириш, ногиронлик ва юрак-қон томир асоратлари хавфини камайтириш, натижада минерал модда алмашинувининг бузилиши, шунингдек, юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши, беморларда касалхонага даволаниш кунларини камайиши, эрта ногиронлик ва эрта ўлимнинг хавфини камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия ва унинг коррекция йўллари бўйича олинган натижалар асосида:

«Сурункали буйрак касалликлари билан хасталанган беморларни олиб бориш тактикаси ва остеодистрофияни аниқлаш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 06 февралдаги 8н-д/14-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касалликлари билан хасталанган беморларни ташхислаш ва уларни ажратиш, беморларни назорат қилиш тактикаси ва остеодистрофияни аниқлаш орқали касалликнинг хавфини камайтириш имконини берган;

«Сурункали буйрак касалликлари билан хасталанган беморларда юракни ремоделлаш ва остеодистрофияни аниқлашнинг ташхисот алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 06 февралдаги 8н-д/14-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касалликлари билан хасталанган беморларда юракдаги ўзгаришларнинг олдини олиш ва остеодистрофияни ташхислаш имконини берган;

Сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичида гемодиализ қабул қилувчи беморларда ренал остеодистрофия ва унинг коррекция йўллари асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт маркази ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлари илмий-тадқиқот институтининг сунъий буйрак бўлими клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-з/80-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали буйрак касалликларнинг терминал босқичида дастурли гемодиализ қабул қилувчи беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, сурункали буйрак касалликлар билан хасталанган беморларни даволаш ва касалхонада даволаниш кунларини қисқартиришга ва эрта ногиронликни камайтириш имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та

халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллигида гемодиализнинг ўрнини замонавий талқини**» танланган мавзуни ишлаб чиқиш, муаммонинг ҳолати, адабиётларни шарҳлаш иккита сарлавҳадан иборат адабиётлар шарҳи берилган. СБК терминал босқичи ривожланиши ва ривожланишидаги энг муҳим патогенетик алоқаларни, асосий профилактика ва даволаш чораларини тавсифлайди. Иккиламчи гиперпаратироидизм ва артериал гипертензиянинг СБК терминал босқичи шаклланишидаги ўрнини, батафсил ўрганишни талаб этадиган масалаларни аниқлайди, ишнинг долзарблиги ва зарурлигини асослайди.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак етишмовчилигида гемодиализ қабул қилувчи беморларнинг ренал остеодисторфияни коррекциялаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объектлар ва тадқиқот усуллари, шунингдек қўлланиладиган статистик усуллар тавсифланган.

Тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт марказида 40 ой давомида гемодиализ олган СБК билан касалланган 120 бемор, улардан 120 нафари асосий гуруҳни ташкил этди ва буйрак патологияси, юрак-қон томир тизими ва суяк-минерал метаболизмининг бузилиши белгилари бўлмаган 20 соғлом кўнгиллилар назорат гуруҳи сифатида кўриб чиқилди.

Тадқиқотга киритилганда, СБК билан касалланган барча беморларда камида 6 ой стандарт терапия ўтказилди. Тадқиқот давомида турли хил даволаш режимларининг СБКдаги суяк метаболизми бузилишларининг

патогенетик жиҳатларига таъсирини ўрганиш учун асосий гуруҳдаги беморлар икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (60 бемор), бунда асосий терапиядан ташқари, кунига 1600 мг дозада фосфатбиндер севеламер гидрохлорид ишлатилган, иккинчи гуруҳ (60 бемор) кунига 1600 мг дозада кальций тутувчи фосфатбиндер кальций карбонатидан фойдаланилган. Умуман олганда, даволаниш яхши қабул қилинди, 2 беморга бифосфанат, 4 беморга ошқозон-ичакнинг ноўя таъсирлари туфайли севелемер гидрохлорид дозаларини камайтириш зарур бўлди.

6 ой давомида истиқболли тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотга киритилган пайтда барча беморларда СБК ташхиси, креатинин, кальций, фосфор ва кальций-фосфорли маҳсулот концентрацияси, ишқорли фосфатаза фаоллиги, креатинин концентрацияси периферик веноз қонда аниқланди, паратироид гормони ИФА томонидан аниқланган.

Тадқиқотда юракнинг структуравий ва функционал жиҳатдан янгилашганини баҳолаш учун эхокардиография, томирларнинг тузалишганини баҳолаш учун брахиал артериянинг эндотелга боғлиқ кенгайиши, интима-медиа комплексининг қалинлигини ўлчаш учун коронар артерияларининг ультратовуш текшируви ва кўкрак қафасининг МСКТ мавжудлиги кўрсатилган. Суяк зичлигини баҳолаш учун ДХА денситометрия усули қўлланилди. Ушбу параметрларнинг барчаси дастлаб ва 6 ойлик терапиядан кейин аниқланди.

Қондан намуна олиш эрталаб гемодиализ муолажасидан олдин, оч қоринга, ўтирган ҳолатда, 10 минут дам олгандан кейин, кубитал венадан олинди. Вакум ускуналари ишлатилган.

Суяк зичлигини аниқлаш: Денситометрия ДХА технологиясидан фойдаланган ҳолда мултислайсли спирал компьютер томография аппаратида амалга оширилди. Тадқиқот Т-индекси буйича баҳоланди - натижани ёш ва жинс нормасидан ажратиб турадиган стандарт оғишлар сони билан тафовутланди.

Юрак-қон томир тизимини қайта тиклаш ва суякдан ташқари кальцификацияни аниқлаш: Юрак ҳолатини стандарт эхокардиографик позицияларда ва проекцияларда ўрганилди. Қуйидагилар аниқланди: чап қоринчанинг якуний диастолик ва систолик ҳажмлари (ЯДХ ва ЧКСХ): ЧКнинг сақланиб қолган геометрик модели ишлатилган, агар ЧК ҳолати бузилган бўлса, ўзгартирилган 2 томонлама Симпсон усули ёрдамида ҳисобланган. ЧК тўсиғи; бўлмачалараро тўсиқ қалинлиги ўлчанди ва ЧК мушак массаси, қон томирлар доплерография усулида ўпка артериясида ўртача ва систолик босим қайд этилган (мос равишда ўнг уйку артериясидаги босимни ҳисобга олган ҳолда трикуспидал қопқоқ регургитацияси оқими ёрдамида ўпка артерияси қопқоқнинг регургитацияси ўрганилди); диастолик функцияси чап ва ўнг қоринчаларни эрта ва максимал тўлдирилиш ставкалари нисбати билан баҳоланди.

Елка артериялар интимо-медиа комплекси қалинлиги - ИМК: Тадқиқот ультратовуш текширувида, ётган ҳолда, бошини орқага ташлаб, елка артерияси жойлашган артериядан ўтказилди. Узоқ девордаги ИМК

калинлиги стандарт нуктада қайд этилди. Натижада иккита қийматнинг максимал қиймати ҳисобланди.

Эндотелийга боғлиқ вазодилатация: Брахиал артерияни ультратовуш текшируви ёрдамида (гемодиализ томирларига кириш имкони бўлмаган кўлда) эндотелияга боғлиқ вазодилатация текшируви ўтказилди. Брахиал артернинг диаметри тирсакдан 2-3 см баландликда ўлчанди. Кейин, жойлашувнинг тепасида тонометр манжети қўйилди ва босим систоликдан 50 мм см устга оширилди. Манжета сиқиб 5 дақиқа ушлаб турилди. Манжета бўшатиладиган сўнг, брахиал артериянинг диаметри 5 ва 60-сонияларда қайд этилди. Артерия диаметрининг нисбий динамикаси қайд этилди.

Коронар кальцийни ҳисоблаш: Коронар артериялар ва кўкрак аорта кальцификация қилиш МСКТ аппаратида маҳаллий томография ва Са-SCORE дастури ёрдамида текширилди. Коронар кальций миқдори, оғирлиги ва ҳажми аниқланди, Агатсон индекси ўнг коронар артерия (ЎКА), чап коронар артерия (ЧКА), олдинги интервентрикуляр артерия (ИА) учун ҳисоблаб чиқилиб, натижалар қўшилди.

Олинган барча маълумотлар мукамал хулоса жадвалларига киритилди. Маълумотлар бемор гуруҳлари бўйича гуруҳланган. Гуруҳларнинг характеристикаси сифатида арифметик воситалар ва уларнинг стандарт оғишларидан фойдаланилган. Гуруҳлараро фарқларнинг ишончилиги Студент ишонч мезони ёрдамида, кўп таққослашда Бонферрони тузатиши билан баҳоланди. Частотани таҳлил қилиш хи-квадрат жадвал мезони ва унинг ишончилиги эркинлик даражаларига қараб ишончилик жадваллари бўйича баҳоланган ҳолда амалга оширилди. Корреляцион таҳлил Пирсон мезонидан фойдаланган ҳолда ва эркинлик даражалари сонига қараб, фавқулодда вазиятлар жадвалидан унинг ишончилиги баҳоланди. Маркерларнинг прогностик аҳамияти маркер даражаси медианадан юқори бўлганида нисбий хавфни аниқлаш усули билан аниқланди.

Диссертациянинг **«Буйрак ренал остеодистрофияси кўрсаткичларнинг натижалари»** деб номланган учинчи бобида ўрганилган синдромнинг СБК терминал босқичи ўзига хос хусусияти бўлган НГ билан солиштирилганда беморларда қонда креатинин концентрацияси ошганлиги кузатилди. Тадқиқотга киритилган СБК терминал босқичи билан оғриган беморларда қондаги фосфорининг концентрациясининг сезиларли даражада ошиши кузатилди, бу эса паратироид гормони концентрациясининг ошишига олиб келди. Сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичи билан хасталанган беморларда кальций концентрацияси, назорат гуруҳидаги беморлар концентрациядан фарқ қилмади, аммо кальций фосфор маҳсулоти соғлом кўнгиллиларга қараганда анча юқори эди. Гиперпаратиреоз остеопорознинг биокимёвий белгиларидан бири бўлган СБК терминал босқичи бўлган беморларда ишқорий фосфатазанинг фаоллигининг ошиши билан намоён бўлди.

**1-жадвал**

**Сурункали буйрак касаллиги терминал босқичи ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кальций фосфор кўрсаткичлари**

Кўрсаткич	НГ (бемор=20)	СБК (бемор=120)
Паратгормон, пг/мл	36,00±8,40	1306,48±284,40***
Кальций, ммоль/л	2,33±0,14	2,25±0,42
Фосфор, ммоль/л	1,08±0,26	2,66±0,73***
Кальций*фосфор	2,52±0,65	5,94±1,87***
Ишқорий фосфатаза, мЕ/л	129,75±20,68	321,48±182,68***
Креатинин, мкмоль/л	85,25±25,31	701,67±86,48***

Изох: гурухлараро ишончли фарқлар: - p <0,05, \*\* - p<0,01, \*\*\* - p<0,001.

6 ойлик кузатув давомида 8 та бемор вафот этди. Таҳлил ишлари давомида ушбу беморларнинг маълумотлари статистик таҳлилдан чиқариб ташланди. Ўрганилган параметрлардаги динамик ўзгаришларнинг кейинги таҳлили фақат тирик қолган беморларнинг натижаларига асосланди. Буйрак остеодистофиясини СБК терминал боскичи билан оғриган беморларни 6 ойлик кузатув давомида кальций-фосфор алмашинуви параметрларида клиник жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Фосфор концентрациясининг пасайиши (1,63%, p <0,05, бошланғич маълумотлар билан фарқнинг аҳамияти) ва ишқорий фосфатаза фаоллиги (2,48%га, p <0,05га) ва кальций концентрациясининг (томонидан 2,92%, p <0,05) ортиши кузатилди.

## 2-жадвал

**Сурункали буйрак касаллиги терминал боскичи беморларда терапевтик гуруҳга қараб фосфор-кальций алмашинуви кўрсаткичлари динамикаси**

Кўрсаткич	С (бемор=57)	с- (бемор=55)
Паратгормон, пг/мл	<u>1398,39±210,77</u> 1394,93±223,84	<u>1238,36±287,70**</u> 1257,07±290,43*
Кальций, ммоль/л	<u>2,33±0,37</u> 2,37±0,33^	<u>2,19±0,44</u> 2,25±0,43
Фосфор, ммоль/л	<u>2,48±0,61</u> 2,29±0,58^^	<u>2,73±0,80</u> 2,78±0,76***
Кальций*фосфор	<u>5,83±1,79</u> 5,47±1,59^	<u>5,90±1,90</u> 6,18±1,89*^
Ишқорий фосф, мЕ/л	<u>339,82±165,61</u> 295,70±144,30^^	<u>309,04±205,21</u> 313,31±201,53
Креатинин, мкмоль/л	<u>713,68±76,07</u> 703,60±95,23	<u>691,55±96,38</u> 686,45±98,53

Изох: ишончилилик кўрсаткичлар: p <0,05, \*\* p <0,01, \*\*\*, p <0,001\*\*; гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги: \* p <0,05, \*\* p <0,01, \*\*\* p <0,001.

Бундан ташқари, қонда фосфор концентрациясининг ўзгариши билан солиштирганда ишқорий фосфатаза фаоллигининг сезиларли ўзгариши

кўлланилаётган терапия усулларида каътий назар остеопороз фаоллигини кўрсатди.

Кўрсаткичлар динамикасидаги тавсифланган фарқлар туфайли фосфор ва кальцийнинг таққосланадиган концентрациялари 6-ойнинг охирига келиб сезиларли фарқларга эга бўлди: С-гурухидаги беморларда фосфор ва СаР\* нисбати анча юқорилиги бузилишларнинг ривожланишининг яққоллигини ифодалайди.

Шундай қилиб, тадқиқот СБК терминал босқичи билан оғриган беморларда кальций-фосфор алмашинувининг бузилиши қондаги фосфорни, кальций-фосфор маҳсулоти, паратироид гормони ва ишқорий фосфатаза фаоллигининг ортиши билан намоён бўлди. Остеопороз учун стандарт терапия билан бузилишлар ривожланди.

Тадқиқот давомида гиперпаратироидизмнинг фаоллиги ва юрак-қон томир тизимининг юқори кальцификацияси ва ремоделацияси кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили ўтказилди. Периферик қонда фосфор концентрацияси ва юрак уриш тезлиги, перикардиал эксудат ҳажми, чап артерия ҳажми ва ўпка артериясидаги ўртача босим ўртасидаги ишончли ижобий ўртача боғлиқлик аниқланди. Паратироид гормонининг концентрацияси перикардиал эксудат, ЧК ОСБ ҳажми билан ва ОТС индексига салбий таъсир қилади. Шунингдек, паратироид гормони концентрацияси қонда креатинин, ишқорий фосфатаза фаоллиги ва доимий каротид ҳовузидаги Агатсон индекслари ва умумий индекс билан сезиларли даражада боғлиқлиги ўрганилди.

### 3-жадвал

#### Терапевтик гуруҳга қараб остеопорозни даволашда сурункали буйрак касаллиги терминал босқич бўлган беморларда суяк денситометрия кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Мутлақ кўрсаткичлар		Нисбий динамика, %	
	С (n=57)	с- (n=55)	С (n=57)	с- (n=55)
DXA LS, г/см <sup>2</sup>	$0,57 \pm 0,18$ $0,60 \pm 0,18^{\wedge}$	$0,59 \pm 0,20$ $0,59 \pm 0,19$	5,96	-0,21*
T LS, SD	$-2,93 \pm 1,25$ $-2,72 \pm 1,35^{\wedge}$	$-2,74 \pm 1,42$ $-2,74 \pm 1,43$	-6,44	0,30
DXA FT, г/см <sup>2</sup>	$0,29 \pm 0,16$ $0,31 \pm 0,16^{\wedge}$	$0,31 \pm 0,19$ $0,32 \pm 0,18^{\wedge}$	14,04	8,64
T FT, SD	$-3,93 \pm 0,77$ $-3,60 \pm 0,95^{\wedge\wedge}$	$-3,85 \pm 0,78$ $-3,84 \pm 0,82$	-7,44	-0,45*

Изоҳ: дастлабки натижаларга нисбатан олинган натижалар ишончлидир:  $\wedge$  -  $p < 0,05$ ,  $\wedge\wedge$  -  $p < 0,01$ ,  $\wedge\wedge\wedge$  -  $p < 0,001$ ; гуруҳлар орасида фарқлар ишончли: \* -  $p < 0,05$ , \*\* -  $p < 0,01$ , \*\*\* -  $p < 0,001$ .


СБК терминал босқичи бўлган беморларда фосфор-кальций метаболизмидаги патологик ўзгаришлар ва иккиламчи гиперпаратироидизм



суяк минераллари зичлигининг сезиларли даражада пасайиши билан боғлиқ эди.

Суяк минерал зичлигидаги ўзгаришларнинг ёшга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда суяк денситометрияси натижаларини таҳлиллашда ёш кўрсаткичидан стандарт оғишлар сонини баҳолаш тавсия этилади (Т-индекс). 2,5 стандартгача қисқартириш нормал натижадир.

Ушбу тадқиқотда, 45 беморда (37,5%) тадқиқотга бел умуртқа кўрсаткичлари киритилганда, Т-индекси  $-2,5 SD$  дан юқори, сон суяги бўйнига нисбатан - барча беморларда Т  $2,5 SD$  дан паст эди. С + гуруҳидаги тадқиқот давомида сон суяги бўйинининг шартли равишда нормал минерал зичлиги бўлган беморларнинг сони 0 дан 15,79% гача кўтарилди (9 бемор, хи квадрат = 9,89,  $p < 0.01$ ). С гуруҳида – сон суяги бўйни билан, иккала гуруҳда ҳам бел умуртқалари таналарида суякларнинг минерал зичлиги нормал бўлган беморларнинг улушида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади (1-расм).



1-расм.

Шундай қилиб, ГСБК билан оғриган беморларда суяк минераллари зичлигини ўрганиш, бу камайиш иккиламчи гиперпаратирозидизмга жавобан ривожланадиган буйрак остеоидистрофияси синдромини акс эттириши остеопорозни даволашда яхшиланишни кўрсатди (бисфосфонат, Вит Д3, кальций карбонат), аммо севеламер гидрохлоридини даволаш режимига ишончли киритиш, суяк-минерал алмашинув тузатиш самарадорлигини оширди.

Диссертациянинг «Гемодиализ қабул қилувчи сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда суякдан ташқари кальцификация ва юрак-қон томир тизимини ремоделланиши» деб номланган тўртинчи бобида сурункали буйрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда систолик ва диастолик қон босими (САБ ва ДАБ), шунингдек, юрак уриши (ЮҚС) сезиларли даражада ошган. Бундан ташқари, ушбу беморларда оғир нормохром камқонлик касаллигини ҳам қайд қилинган. Умумий олганда, 77 нафар беморда гемоглобин концентрацияси

100 г/л дан паст (64,17%), 25 нафар беморда 100-119 г/л (20,83%), 18 нафар беморда 120 г/л (15,0%) ва ундан юқори даража қайт этилди.

Барча беморларда буйрак анемияси даволаш терапия, темир препаратлари оғиз орқали юбориш ва рекомбинант эритропоэтин инъекцияси ҳафтасига 50 ед/кг. 6 ойлик кузатув давомида, умуман олганда, ГСБК билан оғриган беморлар гуруҳида қон босими, юрак уриши ва гемоглобин таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади (4-жадвал). Беморларнинг даволаниш гуруҳлари бўйича тақсимланиши САБ, ДАБ ва юрак уриши жиҳатидан, гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг ишончли динамикаси ёки мутлоқ қийматлар ва нисбий динамикадаги гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқ аниқламади. С гуруҳидаги гемоглобин концентрацияси сезиларли даражада пасайди, С + гуруҳида эса 5,02% га ошди.

#### 4-жадвал

### Сурункали буйрак етишмовчилигида гемодиализ қабул қилувчи беморларни терапевтик гуруҳга қараб қон босими, юрак уриши ва гемоглобин динамикаси

Кўрсаткич	ХБП, тирик (n=112)		Нисбий динамика, %	
			С+	С-
САБ, мм.сим.уст	$\frac{167,66 \pm 42,61}{168,73 \pm 37,56}$		0,47	
ДАБ, мм.сим.уст	$\frac{109,15 \pm 23,75}{108,44 \pm 23,36}$		-0,47	
ЮҚҚ, мин	$\frac{96,09 \pm 22,32}{95,38 \pm 21,62}$		-0,30	
Гемоглобин, г/л	$\frac{91,47 \pm 21,36}{91,83 \pm 19,44}$		1,51	
Эритроцитларнинг хажми, fl	ўртача $\frac{89,38 \pm 18,56}{89,82 \pm 18,19}$		0,66	
	С+ (n=57)	С- (n=55)	С+	С-
САБ, мм.сим.уст.	$\frac{172,98 \pm 37,65}{172,28 \pm 33,67}$	$\frac{162,15 \pm 46,91}{165,05 \pm 41,19}$	0,61	0,32
ДАБ, мм.сим.уст.	$\frac{112,28 \pm 23,76}{111,05 \pm 23,81}$	$\frac{105,91 \pm 23,51}{105,73 \pm 22,78}$	-1,00	0,07
ЮҚҚ сони мин	$\frac{94,44 \pm 22,52}{93,47 \pm 21,51}$	$\frac{97,80 \pm 22,19}{97,35 \pm 21,75}$	-0,35	-0,25
Гемоглобин, г/л	$\frac{92,89 \pm 22,08}{95,96 \pm 19,5}$	$\frac{90,00 \pm 20,68}{87,55 \pm 18,56}$ *^	5,02	-2,12**

	4^			
Эритроцитларнинг ҳажми, fl	$\frac{88,07 \pm 20,1}{3}$ $\frac{88,60 \pm 19,8}{4}$	$\frac{90,73 \pm 16,87}{4}$ $\frac{91,09 \pm 16,41}{4}$	0,74	0,59

Изоҳ: гуруҳлараро тафовут: p<0,05, p<0,01, p<0,001; гуруҳлараро ишончлилиқ мезони: \* p<0,05, \*\* p<0,01, \*\*\* p<0,001.

Шундай қилиб, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, беморларнинг гуруҳида артериал гипертензия ва тахикардия тенденцияси мавжуд бўлиб, улар антигипертензив дориларни қўлланилганига қарамай, стандарт терапия фонида 6 ой давомида ёмонлашаётган, нормохром анемия ҳам мавжуд. Кальций карбонати, шу жумладан темир ва эритропоэтиннинг оддий дозасини истеъмол қилганига қарамай, даволаш режимига фосфатбиндернинг киритилиши анемия даражасини пасайишига олиб келди.

Кўкрак қафасидаги МСКТ ёрдамида кальцийнинг массаси ва ҳажмини аниқлаш. НГ билан солиштириганда, СБЕ билан оғриган беморлар барча коронар ҳавзаларда коронар кальцийнинг сезиларли даражада кўпайишига эга. ГСБК билан оғриган беморларда маҳаллий кўкрак қафаси МСКТ гидроторакс ва гидроперикардни аниқлади. Умуман олганда, 6 ойлик кузатув давомида тадқиқотга киритилган беморларнинг бутун гуруҳида барча ўрганилган кўрсаткичларнинг ўсиши қайд этилди. Натижада коронар кальцийнинг умумий миқдори 3,65% га, унинг ҳажми 6,12% га, массаси 48,64% га кўпайди. Кальцификация индекси - Агатсон индекси ҳам ўртача 6,94% га ўсди. Стандарт терапия қўлланилишига қарамай, СБКда иккиламчи гиперпаратриоз фонида суякдан ташқари кальцификация жараёнининг ривожланишини авж олишини кўрсатади. Шу билан бирга, ГСБК билан оғриган беморлар учун қўлланиладиган терапия, шу жумладан дастурий гемодиализ, перикардит ҳажмининг 3,93% га ва плеврал эксудат 4,96% га камайиши билан боғлиқ эди.

